

ТУКЛИ ЭРВА ЎСИМЛИГИ ЕР УСТКИ ҚИСМИ ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Х.А. Сагдуллаева, Ф.Х. Тўхтаев, Х.М. Камилов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: тукли эрва- *Aerva Ionata Juss* доривор ўсимлиги халқ табobatiда қадимдан кенг қўлланилиб келишган. Ўсимликда турли гуруҳга мансуб биологик фаол моддалар мавжудлиги ва ўсимлик заҳирасининг етарли миқдорда эканлиги унга бўлган қизиқишнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Юлдошев А.А. томонидан қуруқ экстракт олиш усули таклиф этилган бўлиб, биз бу усулни такомиллаштирдик. А. Юлдошев таклиф этган усулнинг асосий камчилиги – қуруқ экстракт олишга сарфланадиган вақтнинг катталигидир. Бу таклиф этилган усул бўйича олинган қуруқ экстрактдан таблетка дори шаклини яратиш мақсадида унинг технологик хоссаларини ўргандик.

Усуллар: таблетка тайёрлаш учун олинган қуруқ экстрактнинг асосий технологик хоссалари: сараланиш таркиби, сочилмас зичлик, сочилувчанлик, прессланувчанлик, зичланиш коэффициенти, қолдиқ намлик, табиий оғиш бурчаги.

Субстанциянинг юқорида келтирилган технологик хоссалари ДФ XI нашри ва бошқа адабиётлардан келтирилган қабул қилинган усуллар ёрдамида ўрганилди.

Натижалар: қуруқ экстракт тўқ қўнғир рангли, аморф, гигроскопик, ўзига хос ҳидли кукун. 250 – 1000 мкм ўлчамли элақлар ёрдамида аниқланган сараланиш таркибида 1000 мкм дан юқори таркиб улуши 3,4 % ни, 500 мкм дан 1000 мкм гача - 16,7 %, 250 мкм - 500 мкм ли таркиб 64,4 % ни ва 250 мкм да кичик таркиб қолган қисмини ташкил этди. Қуруқ экстракт сочилувчанлиги $0,36 \cdot 10^{-3}$ кг/с, сочилувчан зичлиги 347 кг/м³, прессланувчанлиги – 58 Н ва зичланиш коэффициенти 3,1 лиги аниқланди. Унинг қолдиқ намлиги 4,9 % га тенг.

Хулоса: қуруқ экстракт намоён қилган технологик хоссалар ундан таблетка дори шаклини олиш учун қатор ёрдамчи моддалар қўллашни ва нам дондорлаш усулидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатди.